

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Раҳмонқулов Сарварбек Ботир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси 2 курс курсанти

Аннотация. Ушбу мақола ички ишлар органларида таянч пунктларининг фаолиятини таъминлаш этиши ва такомиллаштириши. Мақолада, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун таянч пунктларининг аҳамияти, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари ва нодавлат нотижорат ташикilotлари билан ҳамкорлик таҳлил қилинади. Муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган тақлифлар ҳам кўрсатилган.

Таянч тушунчалар: Таянч пунктлари, фуқаролар йиғинлари раислари, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари ва нодавлат нотижорат ташикilotлар.

Abstract. This article focuses on the organization and enhancement of support point activities within internal affairs bodies. The article analyzes the significance of support points in ensuring public safety, as well as their collaboration with commissions for strengthening family values, commissions for working with women, and non-governmental non-profit organizations. The article also highlights existing problems and proposes solutions to address them.

Key concepts: Support points, chairpersons of citizens' assemblies, commissions for strengthening family values, commissions for working with women, and non-governmental non-profit organizations.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгиланди ва уларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобланиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қуйи бўғини ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу қарор билан Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида Низом қабул қилинди. Ушбу Низом ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг вазифалари ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини, профилактика инспекторларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

Таянч пунктлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиб, улар ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Профилактика инспектори штат бирликларининг сони таянч пункти томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудуд (маҳаллалар)нинг криминоген вазияти, аҳоли сони ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу Низомда белгиланган меъёрлар асосида белгиланади.

Таянч пунктларининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;
- жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этишда, тергов, суд ва суд ҳужжатларини ижро этишдан яшириниб юрган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган фуқароларни қидиришда иштирок этиш;

- вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

- аҳоли билан унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалаларида тўғридан-тўғри очик мулоқотни йўлга қўйиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон қарори билан қабул қилинган “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида Низом”га асосан профилактика инспекторлари ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этилиши белгиланган.

Бугунги кунда ушбу банд амалда номига ўтказилмоқда. Натижада маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича амалга оширилган ишлар ва маҳаллаларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида фуқаролар етарли маълумотларга эга бўлишмаяпти.

Шунингдек, ушбу Низомга асосан профилактика инспекторлари ва фуқаролар йиғини раислари билан биргаликда амалга оширилиши керак бўлган ишлар келтириб ўтилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини назорат қилиш;

- виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш натижасида фуқаронинг муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқаронинг руҳий ҳолати

бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериш масалалари.

Ушбу банднинг ижросини амалга ошириш бўйича, профилактика инспекторлари ва фуқаролар йиғинлари раислари бугунги кунда амалий ҳамкорлик мавжуд эмас.

Бундан ташқари профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қайси йўналишларда ҳамкорлик қилиниши белгилаб берилган. Бироқ, бу соҳалар бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар деярли бажарилмаяпти.

Юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш учун қуйидаги тақлифларни илгари сурамиз:

1) профилактика инспекторлари ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида ҳисобот бериш жараёнига маҳалла ҳудудида жойлашган барча давлат ташкилот раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари қатнашиш мажбуриятини юклаш;

2) профилактика инспектори ва фуқаролар йиғини раиси Низомга асосан биргаликда амалга оширилиши керак бўлган ишларни баҳолаш бўйича КРИ дастурида алоҳида банд қўшиш;

3) фуқаролар йиғини раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши керак бўлган йўналишларга ҳар чоракда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига олдида ҳисобот бериш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-2896-сон қарори;

2. Гадоймиров Б., Ўзоқбоев Ш. Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 9-15;

3. Утепов Д. Ш. Республикамизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда оилавий зўравонликни олдини олишнинг долзарб муаммолари //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 46. – С. 543-549;

4. Гадоймиров Б. О. Вояга етмаганлар ўртасида фирибгарлик жиноятининг сабаблари ва унинг олдини олиш //Analysis of world scientific views International Scientific Journal. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 39-44.